

# СПОРТ ВОСИТАСИДА ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ

*Ахмадова Чарос Бахтияр кизи<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Ушбу мақолада баркамол авлодни тарбиялашнинг долзарб муаммолари ҳамда баркамол авлод тарбиясида жисмоний тарбиянинг ўрни, янги Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига берилаётган эътибор таҳлил қилинган.

**Таянч тушунчалар:** Баркамол авлод, соғломлаштириш, восита, спорт, жисмоний тарбия, маънавий тарбия, қобилият, таълим, тарбия.

## КИРИШ

Жисмонан ва ақлан баркамол авлодни тарбиялаш масаласи энг қадимий ва энг долзарб муаммолардан биридир. Бу муаммони ечимини топишда Суқрот, Арасту, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдулло Авлоний каби дунёнинг барча буюк донишмандлари ўз хиссаларини қўшиб келганлар. Шу боис баркамол авлод тарбияси асрлар давомида дунё миқёсида мукамаллашиб келмоқда. Натижада баркамол авлод тарбияси ҳақидаги қарашларнинг мазмуни теранлашиб, унинг янгидан янги омиллари ва услублари кашф этилди. Шунинг эътирофи этиш керак-ки, юқорида номлари кўрсатилган донишмандларнинг ғояларида комил инсонни шакллантиришда, инсон ахлоқан пок, маънан бой ҳамда жисмонан мукамал бўлишини энг муҳим омиллардан деб билганлар.

## АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қадим замонлардан инсонни шакллантиришда ахлоқий ҳамда маънавий тарбияси билан бир қаторда, шахсни жисмоний тарбиясига ҳам алоҳида эътибор бериб келинганлигини англаш мумкин. Хусусан, қадимги халқ ижодининг шоҳ асарларидан бўлмиш, Алпомиш достонида, Юсуф Ҳос Ҳожибнинг “Қутадғу Билиг” Абул Қосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарларида, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида, халқ эртакларида ва шуларга ўхшаш халқ ижоди намуналарида, шахснинг ахлоқи ва маънавияти қаторида унинг жисмонан мукамал бўлиши юксак инсоний фазилатлардан эканлиги маҳорат билан талқин этилган. Бу айниқса халқимизнинг идеаллари бўлмиш Рустами достон, Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур ва бошқа образлар тимсолида аниқ қилиб баён этилган. Улардаги жисмоний баркамоллик белгилари билан бирга мардлик, жасурлик, куч-қудратлар юксак даражадаги инсоний фазилатлардан ахлоқий поклик, маънавий бойлик билан уйғунлашиб кетган ҳар томонлама мукамал ривожланган комил инсон сиймоси гавдаланади.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЭМПИРИК ТАҲЛИЛ

Ҳозирги замон илмий техника тараққиёти даврида одамларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, энг долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. Бу борада, хурматли

<sup>1</sup> Ижтимоий-гуманитар фанларда масофавий таълим кафедраси ўқитувчиси jisoqov931@gmail.com



Президентимиз Ш. Мирзиёев: «Фарзандларимизнинг қобилиятини рўёбга чиқаришга болаликдан эътибор бериб, уларнинг камолоти учун барча имкониятимизни сафарбар этсак, юртимизда яна кўплаб Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар етишиб чиқади»<sup>2</sup>, дейди.

Шундай экан, бугун ёш авлодни замон талабларига мос баркамол авлод қилиб тарбиялаш, энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолаверади. Президентимиз томонидан 2023 йил **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”** деб эълон қилинди. Мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясида ёшларни маънавий ва жисмоний тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Маълумки жисмоний тарбия ва спорт орқали одамларнинг жисмоний маданияти шаклланади. Президентнинг таъкидлашича, таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир: «Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз айтганларидек, “Заковат бор жойда улуғлик бўлади, билим бор жойда буюклик бўлади”. Шунинг учун ушбу соҳада бошлаган ислохотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, сифатни ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал қилишимиз зарур»<sup>3</sup>.

Баркамол инсон – янгиланаётган жамиятимизни фақат истеъмолчисигина эмас, балки яратувчиси ва фидойиси ҳам бўлиши керак. Шунинг учун мустақил давлатимизда таълимтарбияни тубдан ўзгартиришга давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб қаралмоқда. Умуман олганда жисмоний маданиятга оид йигирмага яқин ҳукумат қарорлари чиқарилди.

Натижада мамлакатимизда жисмоний маданиятнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, уларда ўтказиладиган оммавий-соғломлаштирувчи спорт тадбирларининг сони ошиб, уларда миллионлаб Ўзбекистон фуқаролари, айниқса ёшлар жисмоний маданият машғулотларига жалб этилиб, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга катта имкониятлар яратилди.

Бир замонлар спорт формасини кийишга оғринадиган қизларимиз, бугун бемалол спорт формаларини кийиб спортнинг барча турлари билан йигитларимиз қатори шуғулланиб, спорт устаси, халқаро тоифадаги спорт устаси даражасидаги унвонларга етиб, улкан зафарларни қўлга киритмоқдалар.

Спорт миллатни улуғлайди, демак соғлом турмуш тарзини шакллантиради, ҳар бир ёшни комилликка етаклайди.

Ўзбекистонлик спортчилар нуфузли халқаро спорт мусобақаларида эришган муваффақиятларини Мустақиллик куни, Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун ва бошқа байрамларга бағишлаётганлари, Ватанимизни, миллатимизни юксак даражада кадрлашлари баркамоллик намунасидир.

## НАТИЖАЛАР

Бугун мамлакатимизда ёшларни жисмоний маданият билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Бу хусусида тўхталар экан Президентимиз Ш.Мирзиёев “Бугун биз юртимизда кенг қўламли ислохотлар ва жадал ўзгаришларни амалга оширмоқдамиз. Ва бу йўлда

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. «Билимли авлод - буюк келажакнинг, тадбиркор халқ - фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир» мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. // «Маърифат» газетаси. 2018 йил 8 декабрь

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>



жисмоний соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш бизнинг устувор вазифамиз ва биз бунинг учун бор куч ва маблағларимизни сафарбар этамиз” деб таъкидлайди.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, мамлакатимизда жисмоний маданият таълим тарбияси жараёнларида, ёшларда миллий истиқлол ғояларини шакллантиришда кадрятлардан фойдаланишда ҳам баъзи илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мавзуга жиддийроқ ёндашсак, соғлом турмуш тарзининг мазмунида жисмонан соғлом, эпчил, чаққон, кучли каби жисмоний сифатлар муҳим ўрин эгаллайди. Бундай ижтимоий-тарбиявий жараёнлар ҳам ўз-ўзидан бўлавермайди.

### **ХУЛОСА ВА МУНОЗАРА**

Хулоса ўрнида ёшлар тарбиясида спортнинг ўрни юқори даражада эканлигини яна бир бор айтиб ўтамиз. Спорт воситасида ёшларни ҳар томонлама тарбиялашда ота-оналар ва мураббийлар ниҳоятда масъулиятли бўлишлари лозим.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва оилйжаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Тошкент “Ўзбекистон” – 2017 й.
2. Ш.Мирзиёев Еркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. “Ўзбекистон” НМЎУ, 2016 й.
3. К.Рахимкулов, Г.Хўрозов “Спорт иншоатлари” Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма.
4. Шадиметов Ю. Научно-технический прогресс, образ жизни и здоровье. Т.Узбекистан, 1987.
5. Abdullaev A., Xonkeldiev SH. Jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi. – Fargona. 2001.

